

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2021.FM.101.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АБЛОҚУЛОВ ШЕРЗОДЖОН ЗОКИР ЎҒЛИ

**ЭЛЕКТРОН КОНСТРУКЦИЯЛАР ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ВИБРАЦИОН
ЮКЛАНИШДАН ҲИМОЯЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

01.02.01-Назарий механика

**ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

**Физика – математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико – математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-
mathematical sciences**

Аблокулов Шерзоджон Зокир ўғли

Электрон конструкциялар элементларини вибрацион юкланишдан
ҳимоялашнинг хусусиятлари.....3

Аблокулов Шерзоджон Зокир угли

Особенности защиты элементов конструкций электронной аппаратуры от
вибрационных нагрузок.....21

Ablokulov Sherzodjon Zokir oglu

Features of protection of structural elements of electronic equipment from
vibration loads.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2021.FM.101.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АБЛОҚУЛОВ ШЕРЗОДЖОН ЗОКИР ЎҒЛИ

**ЭЛЕКТРОН КОНСТРУКЦИЯЛАР ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ВИБРАЦИОН
ЮКЛАНИШДАН ҲИМОЯЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

01.02.01-Назарий механика

**ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/FM542 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) институт веб-сайтида (www.buxmti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Тешаев Мухсин Худойбердиевич
физика-математика фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар: Коршунова Наталья Александровна
физика-математика фанлари доктори, профессор


Хусанов Қахрамон
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация химояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/27.02.2021.FM.101.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «11» феврал соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200100, Бухоро шаҳар, Қ. Муртазоев кўчаси, 15. Тел.: (+99865) 223-78-84; факс: (+99865) 223-79-72, e-mail: bmti_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 410 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (200100, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчаси, 15. Тел.: (+99895) 604-44-70).

Диссертация автореферати 2023 йил «18» январ куни тарқатилди.
(2022 йил «19» декабрдаги №5 рақамли реестр баённомаси).



Н.Н. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф.

З.И. Болтаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д. (DSc)

М.З. Шарипов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д. (DSc), проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига автореферат)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда учувчи аппаратлар соҳасида энг муҳим муаммолардан бири радиоэлектрон қурилмаларни (РЭҚ) вибрацион юкланишлардан ҳимоя қилишда ва РЭҚ барқарор ишлашини таминлашга қўйиладиган талабларнинг ошиши билан бу йўналишдаги илмий тадқиқотларни олиб боришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган хорижий давлатларда, жумладан, АҚШ, Франция, Япония, Италия, Россия, Хитой, Туркия ва бошқа кўплаб мамлакатларда материалларнинг қовушқоқлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда электрон конструкция элементларини вибрацион юкланишдан ҳимоя қилиш шунингдек, полимер элементларидан ташкил топган РЭҚ тузилмаларини фаол тебранишлардан ҳимоя қилиш муҳим ҳисобланади. Бу борада, радиоэлектрон қурилмаларда рўй берадиган резонанс ҳодисаларни баҳолашда материалларнинг реологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишончли ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда РЭҚ динамик юкланишларининг таъсирини камайтиришни ҳисобга олувчи турли хил назариялар, моделлар ва ҳисоблаш усуллари мавжуд. Бундай моделлар асосида машина ва аппаратларнинг янги авлодини яратиш ҳамда мавжудларини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, тебраниш жараёнларининг диссипатив хусусиятларини ўрганиш, материалнинг реологик хусусиятлари ва геометрик ўлчамларига қараб механик системада содир бўладиган спектрал ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда механик системаларнинг динамик ҳолатини ўрганишда энергиянинг тарқалиш интенсивлиги соҳаларини аниқлаш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамызда самолёт материалларида қўлланиладиган материалларнинг мустаҳкамлиги ва самарадорлигини оширишга ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида, жумладан, «...илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш,...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, электрон конструкция элементларини вибрацион юкланишдан ҳимоялашнинг хусусиятларини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сонли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони

“Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 515-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика, иншоотлар сейсmodинамикаси ва информатика» ҳамда XIV. «Сейсмология, бинолар ва иншоотлар сейсмик хавфсизлиги ва қурилиш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Электрон конструкция элементларини вибрацион юкланишдан ҳимоялаш муаммосини илмий нуқтаи-назардан таниқли хорижий давлат олимлари Ильюшин А.А., Майборода В.П., Трояновский И.Е., Победря Б.Е., Гузь А.Н., Артоболевский И.И., Фролов К.В., Ганиев Р.Ф., Генкин М.Д., Венц В.Л., Вулфсон И.И., Пановко Я.Г., Колесников К.С., Левицкий Н.И., Серёгин С.В., Павленко И.Д., Дышко А.Л., Андреев Л.В., Жигалько Ю.П., Лейзерович Г.С., Таранхуна Н.А., Амиро И.Я., Лиходед А.И., Сноудон Ж.С., Ден-Гартог Ж.П., Тимошенко С.П., Avrelmov K.V., Chen R., Lee T.H., Lew R.S., Mallon N.J., Trotsenko Yu.V., ва бошқа кўплаб олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Радиоэлектрон қурилмаларни вибрацион юкланишлардан ҳимоя қилиш ҳолатларини ўрганиш ва баҳолаш бўйича Республикамиз олимлари томонидан Рахматулин Х.А., Ўразбаев М.Т., Ширинқулов Т.Ш., Кабулов В.К., Рашидов Т.Р., Муборақов Ё.Н., Мардонов Б.М., Алимухаммедов Ш., Султонов К.С., Маматкулов Ш.М., Мирсаидов М.М., Бадалов Ф.Б., Хожметов Г.Х., Ишанходжаев А.А., Мавлонов Т.М., Абдусатторов А., Сафаров И.И., Дусматов О., Худайназаров Х., Эшматов Х., Юлдашев Ш.С., Коршунова Н.А., Тешаев М.Х. ва бошқа кўплаб мутахассислар машиналар элементларининг вибрациядан ҳимоялашнинг баъзи муаммоларини ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга диссипатив механик системалар (диссипатив бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган) динамикаси билан боғлиқ ҳолатини баҳолаш услублари тўла тадқиқ этилмаган. Ишончли усуллар ва алгоритмларни яратиш машинасозликда, авиасозликда ва ер усти транспортларида динамик юкланиш таъсирида ҳосил бўладиган мустаҳкамликнинг ва барқарорликнинг кўплаб муаммоларини тадқиқ этиш услублари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот

режаси ва ОТ-Ф4-01 рақамли “Қовушқоқ суяқлик оқувчи кўп қатламли композит қувурлар эгри чизикли бўлақларнинг ҳарорат ва динамик юкланишлар тасирида чизикли бўлмаган динамик кучланиш-деформация ҳолатини ўрганиш усуллари ишлаб чиқиш ва назариясини ривожлантириш” (2016-2020) мавзусидаги фундаментал илмий-техникавий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электрон конструкция элементларини вибрацион юкланишдан ҳимоялашнинг аналитик ва сонли ўрганиш методикаси ва алгоритмини ишлаб чиқиш, ҳамда сонли натижалар олиб таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

каттик (деформацияланадиган ва деформацияланмайдиган) жисмлардан ташкил топган, эркинлик даражаси чекли (ёки чексиз) диссипатив бир жинсли бўлмаган (ёки бир жинсли) механик системаларнинг вибрацион юкланишлар таъсири остидаги динамик ҳолатини топиш масалаларининг математик қўйилиши, ечиш методикаси ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

қовушқоқ - эластик механик системалар элементларининг эркин тебранишлар частоталарини (ҳақиқий ва мавҳум қисмлари) геометрик ва физик-механик параметрларига боғлиқ ўзгаришига қиёсий баҳо бериш учун комплекс параметрли трансцендент частота тенгламаларини олиш;

диссипатив бир жинсли (ёки бир жинслимас) механик системаларнинг вибрацион юкланиш таъсири остида резонанс рўй бериш ҳолати (мажбурий тебранишлари) ни механик система энергия диссипациясига боғлиқ тизимли таҳлил қилиш;

қовушқоқ - эластик механик системалар элементларининг тебранишлар жараёни турғунлигини параметрларга боғлиқ ўрганиш ва система турғунлигига баҳо бериш.

Тадқиқот объекти сифатида қовушқоқ эластик таянчга ўрнатилган масса, юпқа қобиқлар, бириктирилган йиғилган массалар, деформацияланувчи элементлар (пружинкалар) олинган.

Тадқиқот предметини бириктирилган массали жисмлардан ташкил топган механик системалар динамикаси масалаларини ечишнинг математик моделлари ва усуллари, мураккаб арифметикага асосланган алгоритмларини ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика усуллари (мумкин бўлган кўчишлар принципи), музлатиш, ўзгарувчиларни ажратиш, Гаусс, Лаплас ва Мюллер усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

қовушқоқ-эластик механик система элементларининг эркин тебранишлар частоталарининг геометрик ва физик-механик параметрларига боғлиқ ўзгаришига қиёсий баҳо бериш учун дифференциал тенгламалар ечимини гармоник кўринишда қидириш орқали комплекс параметрли трансцендент частота тенгламалари олинган;

эркинлик даражаси чекли бўлган диссипатив бир жинсли бўлмаган механик системаларнинг вибрацион юкланиш таъсири остида резонанс рўй бериш ҳолати механик система энергия диссипациясига боғлиқ тизимли таҳлил қилиш усули ишлаб чиқилган, полимер амортизаторларни қўллаш орқали системанинг тебраниш амплитудасини 30% гача камайтирилишига эришилган;

илк бора эркинлик даражаси чекли бўлган диссипатив бир жинсли бўлмаган механик системаларнинг вибрацион юкланиш таъсири остида резонанс амплитудаларини сўндириш динамик сўндиргичлар сонига ва уларни ўрнатиш координаталарига боғлиқлиги аниқланган;

йиғилган массалар бир-бири билан массасиз элементлар орқали боғланган механик системада элементларнинг диссипативлик хусусиятларини ҳисобга олиш орқали системанинг резонанс тебранишларини сўндириш методикаси ва алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган методика ва алгоритм вибрацион юкланишлар таъсири остида бўлган диссипатив механик системаларда ҳосил бўладиган резонанс ҳолатини бир неча баробар камайтиришга имкон берган;

диссипатив бир жинсли бўлмаган механик тизимларда энергиянинг интенсив бўлиш глобал сўниш коэффициенти орқали механик тизим элементларининг тебранишлар амплитудасига физик - механик параметрларга боғлиқ баҳо бериш имкониятини яратган;

диссипатив механик системалар (йиғилган массали ва массасиз деформацияланувчи элементлардан иборат қовушқоқ – эластик) тебранишларини параметрларга боғлиқ ҳолда турғун бўлиш соҳаларини аниқлаш услубияти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Чегаравий шартларнинг коррект қўйилиши, келтириб чиқарилган математик ифодаларнинг қатъийлиги, асосланган ечим усулларидан тизимли фойдаланилганлиги, ечимларнинг аниқлилигини баҳолашда бошқа тадқиқотчилар ечимлари билан таққосланганлиги ва уларнинг натижаларига мос тушганлиги ҳамда амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар бириккан массалари бўлган юпқа пластинкалардан ташкил топган қовушқоқ - эластик механик системалар энергиянинг актив бошқариш назариясининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиш ҳамда такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бутун радиоэлектрон қурилмалар тизими тебранишлари сўнишининг хусусиятларини аниқлаш (резонанс ҳолати) ва оптималлаштириш учун методика ва алгоритм ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотдаги электрон конструкция элементларини вибрацион юкланишдан ҳимоялаш назариясини

ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари ва алгоритм бўйича олинган натижалар асосида:

конструкцияларда ҳаракатланувчи куч таъсирида ҳосил бўладиган тебранишлар ёки титрашларни камайтириш мақсадида диссертацияда ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари ва методикасидан Тошкент кимё-технология институти Давлат илмий техника дастури доирасида 2016-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф4-01 “Қовушқоқ суюқлик оқувчи кўп қатламли композит кувурлар эгри чизикли бўлақларининг ҳарорат ва динамик юкланишлар таъсирида чизикли бўлмаган динамик кучланиш-деформация ҳолатини ўрганиш усуллари ишлаб чиқиш ва назариясини ривожлантириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (2022 йил 14 ноябрдаги 1/01-2739-сонли маълумотнома). Натижада юкланиш остида ишловчи диссипатив бир жинсли ёки бир жинсли бўлмаган системаларда ҳосил бўладиган резонанс жараёнларини олдиндан баҳолаш ҳамда мос материални танлаш имконини берган;

классик ядролардан фойдаланиб интегро-дифференциал тенгламалар системаси ечимларини топишда Бухоро давлат университетидан 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф4-02–“Математик физиканинг ҳолатлар тўплами чексиз бўлган моделлари термодинамикаси” фундаментал лойиҳада фойдаланилган (2022 йил 7 декабрдаги 04-04/01-2437- сонли маълумотнома). Натижада топилган аналитик ечим ва диссертацияда ишлаб чиқилган методикадан фойдаланиш орқали олинган ечимлар орасидаги фарқ 15% дан ошмаслиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари халқаро, республика анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган, жумладан, 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 1 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари шакллантирилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган,

тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамиятлари ёритилган. Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Вибрацион юкланишларни динамик сўндиришга бағишланган адабиётлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида йиғилган массали (ёки массасиз) элементлардан иборат бўлган механик системанинг эркин ва мажбурий тебранишларини ўрганишга бағишланган адабиётлар таҳлили келтирилган. Эркинлик даражаси чекли ва чексиз бўлган ҳамда массасиз деформацияланувчан элемент ва йиғилган массалардан тузилган механик система тебранишлари ҳамда унинг ҳаракатини турғунлигини ўрганишга бағишланган адабиётлар таҳлиliga асосий этибор берилган. Механик системанинг ҳаракат тенгламалари Лагранжнинг II тур дифференциал тенгламалари ва вариацион Эйлер-Лагранж принципга асосланган ҳолда олинган. Йиғилган массалар бир-бири билан массасиз элементлар ёрдамида боғланишда бўлган механик системада деформацияланувчан элементларнинг диссипативлик хусусиятини ҳисобга олиб, элементларнинг динамик хусусиятларини ўрганишнинг ягона методикаси ва алгоритминини ишлаб чиқиш муаммоси ҳал этилмаганлиги асосланган. Адабиётлар таҳлиlidан келиб чиқиб хулоса қилинган. Бу хулосалар асосида диссертация ишининг мақсади белгиланган ва шу мақсадга мувофиқ вазифалар кўйилган.

Диссертациянинг **“Эркинлик даражаси чекли механик системанинг тебранишларини динамик сўндириш”** деб номланган иккинчи бобида масалаларнинг математик кўйилиши ва ечиш усуллари келтирилган. Фараз қилайлик ҳимоя қилинадиган қурилма таянчга ўрнатилган бўлсин (1-расм). Амортизатор асос ва қурилма орасига ўрнатилади. Асосий мақсад- асос тебранса қурилмага тебранишлар ўтишини камайтириш ва аксинча, яъни қурилма тебранса асосга тебранишларни ўтказмаслик. Деформацияланувчан элемент (массасиз) бикрлиги мос равишда қуйидагича оператор кўринишидаги муносабатни ифодалайди


$$\tilde{c}_k [f(t)] = c_{0k} \left[f(t) - \int_0^t R_{ck}(t-\tau) f(\tau) d\tau \right], \quad \tilde{E}_k [f(t)] = E_{0k} \left[f(t) - \int_0^t R_{Ek}(t-\tau) f(\tau) d\tau \right], \quad (1)$$

бунда c_{0k}, E_{0k} – оний қаттиқлик ва эластиклик модуллари, $R_{ck}(t-\tau), R_{Ek}(t-\tau)$ – релаксация ядролари, $f(\tau)$ – вақтнинг ихтиёрий функцияси. (1) муносабат ва Лагранжнинг II тур дифференциал тенгламаларидан фойдаланилса, эркинлик даражаси чекли бўлган диссипатив механик системанинг ҳаракат дифференциал тенгласи қуйидаги кўринишда олинади:

$$[M] \{ \ddot{X} \} + [C] (\{ X \} - \int_0^t [R(t-\tau)] \{ X(\tau) \} d\tau) = \{ f(t) \}, \quad (2)$$

бу ерда $\{ X \} = \{ x_1, x_2, x_3, \dots, x_n \}^T$, $[M]$ – мусбат аниқланган квадратик матрица, $[C]$ – сўниш коэффициентини ифодаловчи квадратик матрица, $[K]$ – бикрлик

матрицаси, $[R(t-\tau)]$ -ковушқоқликни ифодаловчи квадратик матрица, $\{f\}$ - ташқи куч вектори.



1-расм. Ҳисоб схемаси

1- пассив виброҳимоя системаси (ПВС) қисми; 2,3,4 – фаол қисм (2-сигнал шаклини ўзгартириш қурилмаси; 3- 4- актив қисим, $V(t)$ - асоснинг кучиш қонуни

Агар ташқи куч таъсир этмаса, яъни $\{f\} = 0$ бўлса, у ҳолда (1) тенглама билан ифодаланувчи эркин тебранишлар масаласи ўрганилади. Агар $\{f\} \neq 0$ бўлса, мажбурий тебранишлар масаласи ўрганилади.

Кейинчалик “музлатиш” усулини қўллаб, (1) муносабатни қуйидаги кўринишга келтирамиз:

$$\begin{aligned} \bar{c}_k f(t) &= c_{0k} [1 - \Gamma_{ck}^C(\omega_R) - i\Gamma_{ck}^S(\omega_R)] f(t), \\ \bar{E}_k f(t) &= E_{0k} [1 - \Gamma_{Ek}^C(\omega_R) - i\Gamma_{Ek}^S(\omega_R)] f(t), \end{aligned} \quad (3)$$

бу ерда

$$\begin{aligned} \Gamma_{ck}^C(\omega_R) &= \int_0^\infty R_{ck}(\tau) \cos \omega_R \tau d\tau, \quad \Gamma_{Ek}^C(\omega_R) = \int_0^\infty R_{Ek}(\tau) \cos \omega_R \tau d\tau, \\ \Gamma_{ck}^S(\omega_R) &= \int_0^\infty R_{ck}(\tau) \sin \omega_R \tau d\tau, \quad \Gamma_{Ek}^S(\omega_R) = \int_0^\infty R_{Ek}(\tau) \sin \omega_R \tau d\tau, \end{aligned}$$

ядро релаксациясининг мос равишда косинус ва синуси Фурье тасвирлари,

ω_R -ҳақиқий катталиқ. Ҳисоблашларда уч параметрли Колтунов-Ржаницин релаксация ядросидан фойдаланилди: $R_k(t) = A_k e^{-\beta_k t} / t^{1-\alpha_k}$. У ҳолда (2) тенглама комплекс коэффициентли қуйидаги дифференциал тенгламага келади:

$$[M]\{\ddot{X}\} + [C(1 - \Gamma_k(\omega_R))]\{X\} = \{f(t)\}, \quad (4)$$

бу ерда $\Gamma_{km} = 1 - \Gamma_{km}^c - i\Gamma_{km}^s$, $m = c_k, E_k$.

$\{f\} = 0$ бўлганда (4) тенгламанинг ечимини қуйидаги кўринишда излаймиз

$$\{X(t)\} = \{W\} e^{i\omega t}, \quad (5)$$

бу ерда $\omega = \omega_R + i\omega_I$ – комплекс сон, W - комплекс сонлар устун матрицаси. Характеристик тенглама қуйидаги кўринишга эга бўлади


$$\det[-[M]\omega^2 + [C_k(1 - \Gamma_k(\omega_R))]] = 0. \quad (6)$$

Механик системани вибрацион юкланишдан химоялаш учун динамик сўндиргичлар усули ҳам мавжуд. Фараз қилайлик механик система динамик сўндиргичсиз ω_1 ва ω_2 частотага эга бўлсин $\omega_1^2 : \omega_2^2 = 1 : n$. Химояланадиган қурилмага k динамик сўндиргич кўчиш бўйича ва буралиш бўйича ҳам сўндиргичлар ўрнатилган бўлсин. У ҳолда система $2(k+1)$ резонанс частота $\omega_1', \omega_2', \dots, \omega_e', \dots, \omega_{2(k+1)}'$ га эга бўлсин. Мисол тариқасида қуйидагини қараймиз:

ω_1 частота оптимал дейилади, агарда

$$M = \max \min |\omega_1 - \omega_e'| \quad (e = 1, 2, \dots, 2(k+1)) \quad (7)$$


муносабат ўринли бўлса. У ҳолда частотанинг резонанс қиймати резонанс частотадан максимал сурилган бўлади (2-расм).



2-расм. Эркинли даражаси иккига тенг бўлган механик системанинг амплитудаси ва частотаси орасидаги муносабат

Айтайлик, эркинлик даражаси иккига тенг бўлган механик системага k та динамик сўндиргичлар осилган бўлсин (3-расм). Динамик сўндиргичлар таъсирида механик системада ҳосил бўладиган динамик жараённи кўриб

чиқамиз. Механик системанинг ҳисоб схемаси 3-расмда келтирилган. Механик системага $F_0 e^{i\omega t}$ мажбурий гармоник куч ва $M_0 e^{i\omega t}$ момент таъсир этсин, бу ерда ω - мажбурий тебранишлар частотаси. Қаттиқ жисмнинг фақат z ўқи бўйича кўчиши ва шакл текислигига перпендикуляр ўққа нисбатан φ бурчакка буралиши ҳисобга олинади. Динамик сўндиргичлар ҳолати z_s ($s = 1, \dots, k$) координаталар орқали аниқланади.



3-расм. Динамик сўндиргичли эркинлик даражаси иккига тенг бўлган механик система

Механик системанинг ҳаракат дифференциал тенгламалари қуйидагича бўлади:

$$\begin{cases}
 m\ddot{z} + c_c(z + x_c\varphi) + c_d(z + x_d\varphi) + \sum_{s=1}^k c_s[(z + x_s\varphi) - z_s] + \\
 + h_c(\dot{z} + x_c\dot{\varphi}) + h_d(\dot{z} + x_d\dot{\varphi}) + \sum_{s=1}^k h_s[(\dot{z} + x_s\dot{\varphi}) - \dot{z}_s] = F_0 e^{i\omega t}, \\
 mR^2\ddot{\varphi} + x_c c_c(z + x_c\varphi) + x_d c_d(z + x_d\varphi) + \sum_{s=1}^k x_s c_s[(z + x_s\varphi) - z_s] + \\
 + \sum_{s=1}^k k_s(\varphi - \varphi_s) + h_c x_c(\dot{z} + x_c\dot{\varphi}) + h_d x_d(\dot{z} + x_d\dot{\varphi}) + \\
 + \sum_{s=1}^k r_s(\dot{\varphi} - \dot{\varphi}_s) + \sum_{s=1}^k h_s x_s[(\dot{z} + x_s\dot{\varphi}) - \dot{z}_s] = (M_0 + F_0 a^{i\omega t}), \\
 m_s \ddot{z}_s + c_s[z_s - (z + x_s\varphi)] + h_s[\dot{z}_s - (\dot{z} + x_s\dot{\varphi})] = 0, \\
 m_s R_s^2 \ddot{\varphi}_s + k_s(\varphi_s - \varphi) + r_s(\dot{\varphi}_s - \dot{\varphi}) + c_s x_s[z_s - (z + x_s\varphi)] + \\
 + x_s h_s[\dot{z}_s - (\dot{z} + x_s\dot{\varphi})] = 0, (s = 1, 2, \dots, k),
 \end{cases} \quad (8)$$

бу ерда x_c, x_d - таянч координаталари, x_1, x_2, \dots, x_k - сўндиргичлар ўрнатилган координаталар, m - асосий жисмнинг массаси, m_1, m_2, \dots, m_k - сўндиргичлар массалари, c_c, c_d, c_s - амортизаторларнинг бикрлик коэффициентлари; h_c, h_d, h_s - амортизаторларнинг каршиликлари.


(8) оддий дифференциал тенгламалар системасининг ечимини қуйидаги кўринишда излаймиз:

$$z = Ze^{i\omega t}, z_s = Z_s e^{i\omega t}, \phi = \phi e^{i\omega t}, \phi_s = \phi_s e^{i\omega t}. \quad (9)$$

Агар (9) ни (8) га қўйсақ, Z, ϕ, Z_s, ϕ_s ($s = 1, 2, \dots, k$) ўзгарувчиларга нисбатан қуйидаги комплекс коэффициентли алгебраик тенгламалар системасини оламиз:

$$\begin{cases} Z \left[(-m\omega^2 + c_c + c_d + \sum c_s) + i\omega(h_c + h_d + \sum h_s) \right] + \\ + \phi \left[(c_c x_c + c_d x_d + \sum c_s x_s) + i\omega(h_c x_c + h_d x_d + \sum h_s x_s) \right] - \\ - \sum (c_s + i\omega h_s) Z_s = F_0 \\ Z \left[(c_c x_c + c_d x_d + \sum c_s x_s) + i\omega(h_c x_c + h_d x_d + \sum h_s x_s) \right] + \\ + \phi \left[(-mR^2 \omega^2 + c_c x_c^2 + c_d x_d^2 + \sum (k_s + c_s x_s^2)) + \right. \\ \left. + i\omega(h_c x_c^2 + h_d x_d^2 + \sum (r_s + h_s x_s^2)) \right] - \\ - \left[(c_s x_s + i\omega h_s x_s) Z_s - \sum (k_s + i\omega r_s) \phi_s \right] = M_0 + F_0 a \\ Z (c_s + i\omega h_s) + \phi (c_s x_s + i\omega h_s x_s) - Z_s (-m_s \omega^2 + c_s + i\omega h_s) = 0 \\ Z (c_s x_s + i\omega h_s x_s) + \phi (k_s + c_s x_s^2 + i\omega (r_s + h_s x_s^2)) - \\ - Z_s (c_s x_s + i\omega h_s x_s) - \phi_s (k + i\omega r_s - m_s R^2 \omega^2) = 0 \end{cases} \quad (10)$$


Олинган сонли натижалар таҳлили 4-расмда келтирилган.



4-расм. Асосий курилма массалар марказининг амплитуда - частота боғланиши: 1. $n=2$; 2. $n=0$; 3. $n=1$; 4. $n=3$

4-расмда асосий курилма массалар марказининг амплитуда - частота боғланиши келтирилган (1.n=2; 2.n=0; 3.n=1; 4.n=3). 4-расмдан кўришиб турибдики, массалар сони ошиши билан асос кўчиши амплитудаси пасайиб борар экан.


Кейинги мисол сифатида энергетик машина панжалари тебранишларини динамик сўндиргичлар ёрдамида сўндириш масаласини қараймиз. Механик системанинг ҳаракат дифференциал тенгламалари Даламбер принципи асосида олинган. Амалий ҳисоб-китоблар учун фақат учта эркинлик даражасини ҳисобга олувчи соддалаштирилган тенгламалар системаси олинди. Асосий жисмнинг амплитуда-частота хусусиятлари аниқланди. Икки массали сўндиргич битта массали сўндиргичга қараганда 10-15% самаралироқ эканлиги топилган. Сонли натижалар 5- расмда келтирилган.



5 - расм. Эркинлик даражаси учта тенг бўлган механик системанинг амплитуда-частота характеристикалари (пунктир-сўндиргичсиз, туташ чизик - сўндиргичли)

5-расмдан икки массали сўндиргичнинг бир массали сўндиргичга қараганда афзаллигини кўриш мумкин. Шундай қилиб, қовушқоқ эластик амортизаторларга ўрнатилган сўндиргичларнинг самарали ишлаш ораликларини топиш методикаси ва алгоритми ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Қовушқоқ - эластик амортизаторларга осилган жисмнинг тебранишларини кўзғатиш ҳақида”** деб номланган учинчи бобида қовушқоқ - эластик амортизаторларга осилган, симметрия ўқиға эға бўлган электродинамик стенд столининг текис-параллел ҳаракати жараёнида ҳосил бўладиган резонанс ҳолатлар кўриб чиқилган. Ҳисоблаш схемаси 6-расмда келтирилган. Фараз қилайлик, вибростенд мувозанат вазияти атрофидаги чизикли бўлмаган тебранишлари кичик бўлсин. У ҳолда қовушқоқ - эластик амортизаторларга осилган, симметрия ўқиға эға бўлган электродинамик стенднинг ҳаракат дифференциал тенгламалари қўйидаги кўринишда бўлади:



6-расм. Қовушқоқ - эластик амортизаторларга осилган, симметрия ўқига эга бўлган электродинамик стенд

$$\begin{aligned}
& \frac{\partial^2 x}{\partial t^2} + \lambda_{11}^2 \left[x - \int_{-\infty}^t R_{1x}^c(t-s)x(s)ds \right] + \lambda_{12}^2 \left[\varphi - \int_{-\infty}^t R_{10\varphi}^c(t-s)\varphi(s)ds \right] = \\
& = \mu\phi_1(x, y, \varphi, y^2, \varphi^2, xy, \int_{-\infty}^t R_{12y}^c(t-s)y^2(s)ds, \\
& \int_{-\infty}^t R_{13\varphi}^c(t-s)\varphi^2(s)ds, \int_{-\infty}^t R_{11xy}^s(t-s)x(s)y(s)ds, \int_{-\infty}^t R_{13y\varphi}^s(t-s)y(s)\varphi(s)ds) \\
& \frac{\partial^2 y}{\partial t^2} + \lambda_{21}^2 \left[y - \int_{-\infty}^t R_{1x}^c(t-s)y(s)ds \right] y = \\
& = F_y(t) + \mu\phi_2(x, y, \varphi, y^2, \varphi^2, xy, \int_{-\infty}^t R_{21x}^c(t-s)x^2(s)ds, \\
& \int_{-\infty}^t R_{23\varphi}^c(t-s)\varphi^2(s)ds, \int_{-\infty}^t R_{22xy}^s(t-s)xy(s)ds, \int_{-\infty}^t R_{24x\varphi}^s(t-s)x(s)\varphi(s)ds) \\
& \frac{\partial^2 \varphi}{\partial t^2} + \lambda_{31}^2 \left[\varphi - \int_{-\infty}^t R_{3\varphi}^c(t-s)\varphi(s)ds \right] + \lambda_{32}^2 \left[x - \int_{-\infty}^t R_{30x}^c(t-s)x(s)ds \right] = \\
& = \mu\phi_2(x, y, \varphi, y^2, \varphi^2, xy, \int_{-\infty}^t R_{32y}^c(t-s)y^2(s)ds, \\
& \int_{-\infty}^t R_{33\varphi}^c(t-s)\varphi^2(s)ds, \int_{-\infty}^t R_{31xy}^s(t-s)x(s)y(s)ds, \\
& \int_{-\infty}^t R_{32x\varphi}^s(t-s)x(s)\varphi(s)ds, \int_{-\infty}^t R_{34y\varphi}^s(t-s)y(s)\varphi(s)ds, M(x\ddot{y} + y\ddot{x}))
\end{aligned} \tag{11}$$

Агар (11) тенгламаларда чизиқли бўлмаган ҳадлар ҳисобга олинмаса, у ҳолда олдинги бобда келтирилган усуллар ёрдамида масалани ечиш ва резонанс частоталарини топиш ҳамда амплитуда-частота характеристикаларини қуриш мумкин бўлади. Буни бир нечта хусусий ҳолларда кўриш мумкин. Масалан, $x = \varphi = 0$, $y = qe^{i\omega t}$ бўлганда (11) дан кўчиш амплитудаси ва бурилиш бурчаги қўйдагича топилади:

$$q = \frac{q_{ct}}{\sqrt{\lambda_{21}^2 \left(-\frac{p^2}{\omega^2} + 1 - \Gamma_c\right)^2 + \Gamma_s^2}}, \quad \operatorname{tg} \varphi = \frac{\Gamma_s / \lambda_{21}}{\frac{p^2}{\omega^2} - 1 + \Gamma_c},$$

бу ерда $\Gamma^c = \int_0^\infty R(\tau) \cos p\tau d\tau$, $\Gamma^s = \int_0^\infty R(\tau) \sin p\tau d\tau$ - ядро релаксациясининг косинус ва синус Фурье тасвирлари.

Ўзаро боғлиқ тебранишлар қаралганда чизиқли бўлмаган ҳадларни ҳисобга олиб, (11) системанинг тақрибий ечимини қуриш масаласи ечилади. Биринчи яқинлашишда қўйидаги биринчи тартибли дифференциал тенгламалар системасини оламиз

$$\left\{ \begin{array}{l} i\omega \frac{dP_1}{dt} = -\mu \left\{ \left[\omega \varepsilon_1 + \frac{a_{11} [1 - \Gamma_{11}^c(\omega_R) - i\Gamma_{11}^s(\omega_R)]}{2(1 + \alpha_1^2)} \right] P_1 + \frac{a_{17} [1 - \Gamma_{17}^c(\omega_R) - i\Gamma_{17}^s(\omega_R)] q_1}{2i} Q_1 \right\} \\ i\omega \frac{dQ_1}{dt} = \mu \left\{ -\frac{a_{17} [1 - \Gamma_{17}^c(\omega_R) - i\Gamma_{17}^s(\omega_R)] p'}{2i} P_1 + \left[\omega \varepsilon_1 - \frac{a_{11} [1 - \Gamma_{11}^c(\omega_R) - i\Gamma_{11}^s(\omega_R)]}{2(1 + \alpha_1^2)} \right] Q_1 \right\} \\ 2i\Omega_2 \frac{dP_2}{dt} = -\mu \left\{ a_{21} [1 - \Gamma_{21}^c(\omega_R) - i\Gamma_{21}^s(\omega_R)] P_2 \right\} \\ 2i\Omega_2 \frac{dQ_2}{dt} = \mu \left\{ -a_{21} [1 - \Gamma_{21}^c(\omega_R) - i\Gamma_{21}^s(\omega_R)] Q_2 \right\} \\ 2i\Omega_3 \frac{dP_3}{dt} = -\mu \left\{ \frac{i\Omega_3 a_{32} [1 - \Gamma_{32}^c(\omega_R) - i\Gamma_{32}^s(\omega_R)]}{1 + \alpha_2^2} P_3 \right\} \\ 2i\Omega_3 \frac{dQ_3}{dt} = \mu \left\{ -\frac{a_{32}}{1 + \alpha_2^2} [1 - \Gamma_{32}^c(\omega_R) - i\Gamma_{32}^s(\omega_R)] Q_3 \right\} \end{array} \right. \quad (12)$$


(12) системанинг тривиал ечими, яъни $P_1 = Q_1 = P_2 = Q_2 = P_3 = Q_3 = 0$, мавжуд. (12) системанинг тривиал ечими турғун бўлишининг зарурий ва етарли шартлари Раус-Гурвиц критерияси орқали топилади ($q_\zeta = 0$):

$$\left\{ \begin{array}{l} a_{11}^2 \operatorname{Re} [1 - \Gamma_{11}^c(\omega_R) - i\Gamma_{11}^s(\omega_R)]^2 > 0 \\ \frac{a_{11}^2}{4} \operatorname{Re} [1 - \Gamma_{11}^c(\omega_R) - i\Gamma_{11}^s(\omega_R)]^2 > \frac{1 + \alpha_1^2}{\omega^2} \left[\frac{a_{17}^2 p_1'^2}{4} \operatorname{Re} [1 - \Gamma_{17}^c(\omega_R) - i\Gamma_{17}^s(\omega_R)]^2 - \varepsilon_1^2 \omega^2 \right] \end{array} \right. \quad (13)$$

(13) тенгламанинг биринчи шarti, биз ечаётган масала учун бажарилади. Икинчи шarti эса параметрларнинг маълум бир муносабатида бажарилади. Агар механик система элементларининг қаршилиги ортиб борса, тривиал ечимнинг турғунлиги бузилмайди. Шундай қилиб, ўрганиладиган механик система қўзғалишини олдини олиш, ёки турғунлигини таъминлаш учун, ξ

координатаси бўйича (13) шарт бажарилиши учун, параметрларни танлаш зарур бўлади. Худди шундай, динамик сўндиргичли, эркинлик даражаси чекли бўлган механик системанинг параметрик резонанс ҳолати ўрганилган. Масалалар ечимларининг турғунлиги масалалари кўрилган. Иккита резонанс соҳаси мавжудлиги, оддий ва комбинацион резонанс соҳалари ҳам мавжуд бўлиши топилган.

Диссертациянинг **“Вибрацион кўзгатувчи юкланишлар таъсиридаги қурилманинг деформацияланувчан элементлари тебранишларини моделлаштириш тўғрисида”** деб номланган тўртинчи бобида қурилмалар деформацияланувчан элементларининг вибрацион юкланишлар таъсиридаги тебранишларини моделлаштириш масаласи кўрилган. Бундай масалалар умумий ҳолда Мирсаидов М.М., Тешаев М.Х. ишларида вариацион қўйилишда қаралган. Ушбу диссертация ишида таянчларга ўрнатилган балка ва унга осилган чекли сондаги динамик сўндиргичларнинг самарали ишлаши мумкин бўлган ҳолатлар қаралган. Масаланинг ҳисоб схемаси қуйида келтирилган.



7- расм. Балка ва сўндиргичлар системасининг ҳисоб схемаси

Механик системанинг ҳаракат дифференциал тенгламалари қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$E_0 J \frac{\partial^4 W}{\partial x^4} + \rho S \omega^2 W - A \sum_{i=1}^k [W(x_i) \delta(x - x_i)] = P_0(t),$$

$$m_i \ddot{W}_i + k_i \left[W_i(t) - \int_0^t R(t - \tau) W_i(\tau) d\tau \right] = P_1(t) \quad (14)$$

Бу тенгламалардан комплекс коэффициентли қуйидаги дифференциал тенгламага ўтиш мумкин

$$E_0 \Gamma_k J \frac{d^4 W}{dx^4} - \rho S \omega^2 W - \sum_{j=1}^N \frac{m_j \omega^2}{1 - m_j \omega^2 / k \Gamma_j} [W(x_j) \delta(x - x_j)] = F(x),$$

Охирги тенгламанинг ечимини қўйидаги кўринишда излаймиз:

$$W(x) = \sum_{k=1}^K W_k \varphi_k(x), F(x) = \sum_{k=1}^K F_k \varphi_k(x).$$

Бу ердаги $\varphi_k(x)$ функция қўйидаги дифференциал тенгламани қаноатлантиради:


$$\frac{d^4 \varphi_n(x)}{dx^4} - \frac{\rho S \omega^2}{E_0 I} \varphi_n(x) = 0,$$

Ечим қаторнинг биринчи ҳади учун ёзилса, у қўйидагича бўлади:

$$W_1 \approx \frac{F_1 l^4}{E_0 I \eta^4} \left[1 - \frac{\eta^4}{\eta_1^4} - \frac{\psi_1(\eta / \eta_1)^4}{1 - \psi_1(\eta / \eta_1)^4 \Gamma_k} \right], \eta = (\rho S \omega^2 l^4 / E_0 I)^{1/4},$$

$$\eta_k = (\rho S \omega_k^2 l^4 / E_0 I)^{1/4}$$

Натижалар қўйидаги ўлчамсиз параметрлар учун олинган: $\bar{E} = 14; \eta = 1.0$
 $R_k(t) = A e^{-\beta t} / t^{1-\alpha}, A = 0,048; \beta = 0,05; \alpha = 0,10$. Олинган сонли натижалар 8-расмда келтирилган



8-расм. Сўндиргичли балканинг кўчишлари.

1 та сўндиргичли балка (кўк чизик(2)), 2 та сўндиргичли балка (яшил чизик(1)), 3 та сўндиргичли балка (кизил чизик)

Балканинг тебранишларини сўндиришда иккита симметрик жойлашган бир массали сўндиргичларнинг самарали эканлиги топилган.

ХУЛОСА

“Электрон конструкциялар элементларини вибрацион юкланишдан ҳимоялашнинг хусусиятлари” мавзусидаги диссертация ишидан олинган натижалар асосида қўйидаги хулосаларга келинди:

1. Экинлик даражаси чекли (ёки чексиз) бўлган қовушоқ - эластик механик системаларда вибрацион юкланиш таъсирида ҳосил бўладиган

резонанс ҳодисасини ва тебранишларнинг турғунлигини ўрганиш масалалари математик қўйилди, ечиш методикаси ва алгоритми ишлаб чиқилган.

2. Тебраниш жараёнида резонанс ҳодисаларини бошқариш энергия диссипацияси орқали амалга ошириш мумкинлиги асосланган. Энергия диссипацияси диссипатив бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган механик системалар учун тубдан фарқ қилиши топилган.

3. Агар механик система элементлари релаксация ядроларининг амплитудаси 0.99 га ортиб борса ечимнинг турғунлиги бузилмаслиги аниқланди.

4. Эркинлик даражаси чекли бўлган механик системанинг параметрик ва оддий резонанс ҳолатлари ўрганилган. Бундай механик системалар учун комбинацион резонанс соҳалари мавжуд бўлиши топилган.

5. Амортизатор блоки (пластинка) материалининг қовушқоқлигини ҳисобга олиш амплитудаларни 15% дан 20% гача камайтириш имконини берган. Шунингдек, полимер амортизаторлардан фойдаланиш система тебраниш амплитудасини 30% гача камайтириши топилган.

6. Назарий ва экспериментал натижалар таҳлили ҳисоблаш ва экспериментнинг қониқарли яқинлашувини кўрсатди: частоталарда хатолик 15% дан, амплитуда еса 28% дан ошмаслиги топилди.

7. Юқоридаги тадқиқотлар асосида объектнинг эркин тебранишлар частотаси вибрацион юкланиш частотасига яқин бўлганда динамик сўндиргичлар тор частота диапазонидаги тебранишларни самарали равишда камайтириши топилди. Уларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан сўндиргичларнинг жойлашишига ва релаксация ядроси амплитудасининг катталигига боғлиқ бўлиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/27.02.2021.FM.101.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

АБЛОКУЛОВ ШЕРЗОДЖОН ЗОКИР УГЛИ

**ОСОБЕННОСТИ ЗАЩИТЫ ЭЛЕМЕНТОВ КОНСТРУКЦИЙ
ЭЛЕКТРОННОЙ АППАРАТУРЫ ОТ ВИБРАЦИОННЫХ НАГРУЗОК**

01.02.01-Теоретическая механика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО - МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/FM542.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Бухарского инженерно-технологического института (www.buxmti.uz) и на Информационно образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz)

Научный руководитель: Тешаев Мухсин Худойбердиевич
доктор физико-математических наук (DSc), доцент

Официальные оппоненты: Коршунова Наталья Александровна
доктор физико-математических наук, профессор


Хусанов Кахрамон
кандидит физико-математических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский государственный транспортный университет

Защита диссертации состоится «11» февраля 2023 г. в «10:00» часов на заседании Научного совета Phd.03/27.02.2021.FM.101.02 при Бухарском инженерно-технологическом институте по адресу: 200100, г.Бухара, ул. К. Муртазаев, 15. Тел.: (+99865) 223-78-84; факс: (+99865) 223-79-72, e-mail: bmti_info@edu.uz.

Диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института (зарегистрирована за № 410.). (Адрес:Бухарская область, 200100, г. Бухара, ул. К. Муртазаева, 15. Тел.: (+99895) 604-44-70).

Автореферат диссертации разослан «18» января 2023 года.
(протокол рассылки №5 от «19» декабря 2022 г.)



Н.Н. Садуллаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.,
профессор

З.И. Болтаев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.ф.-
м.н., (DSc)

М.З. Шарипов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одной из важнейших проблем в области летательных аппаратов являются повышенные требования к защите радиоэлектронных устройств (РЭУ) от вибрационных нагрузок и обеспечение стабильной работы РЭУ, что придает особое значение проведению научных исследований в этом направлении. В настоящее время в развитых зарубежных странах, включая США, Францию, Японию, Италию, Россию, Китай, Турцию и многие другие страны, важно защищать электронные конструктивные элементы от вибрационных нагрузок с учетом вязкостных характеристик материалов, а также активно защищать конструкции РЭУ, состоящие из полимерных элементов от вибраций. В связи с этим особое внимание уделяется разработке надежных методов расчета, учитывающих реологические характеристики материалов при оценке резонансных явлений, происходящих в радиоэлектронных устройствах.

В мире существуют различные теории, модели и методы расчета, которые учитывают снижение воздействия динамических нагрузок. На основе таких моделей проводятся масштабные научные исследования, направленные на создание машин и аппаратов нового поколения, а также совершенствование существующих. В этом направлении, включающем исследование диссипативных свойств колебательных процессов, определение областей интенсивности затухания энергии при исследовании динамического состояния механических систем с учетом спектральных изменений, которые происходят в механической системе в зависимости от реологических свойств и геометрических размеров материалов являются актуальными задачами.

В нашей Республике реализуется широкий комплекс мер по повышению прочности и эффективности материалов, используемых в области самолетостроения, и обеспечению их безопасности. В Указе Президента Республики Узбекистан от 29 октября 2020 года "Об утверждении концепции развития науки до 2030 года", в том числе "...широкое использование научного и инновационного потенциала, определение приоритетов для регулярного реформирования науки в будущем, подготовка высококвалифицированных кадров с современными знаниями и независимым мышлением..."¹ функции определены. При реализации этих задач важно разработать и развить методику определения особенностей защиты электронных конструктивных элементов от вибрационных нагрузок.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, отраженных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года ПФ-60 "О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы", Указе Президента Республики Узбекистан от 30 июля 2020 года ПК-4794 "О мерах по коренному совершенствованию системы обеспечения сейсмической безопасности населения и территория Республики Узбекистан" и Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан

¹ Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-6097 от 29 октября 2020 года "Об утверждении концепции развития науки до 2030 года"

от 26 августа 2020 года № 515 "О дальнейшем совершенствовании государственной системы Республики Узбекистан по предупреждению чрезвычайных ситуаций и действиям в таких ситуациях", а также реализации задач, поставленных в нормативных правовых документах, связанной с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Математика, механика, сейсמודинамика конструкций и информатика» и XIV. «Сейсмология, сейсмическая безопасность зданий и сооружений и строительство».

Степень изученности проблемы. По проблеме защиты электронных конструктивных элементов от вибрационных нагрузок, научные исследования были проведены многими известными зарубежными учеными, такие как Ильюшин А.А., Майборода В.П., Трояновский И.Е., Победра Б.Е., Гузь А.Н., Артоболевский И.И., Фролов К.В., Ганиев Р.Ф., Генкин М.Д., Венц В.Л., Вулфсон И.И., Пановко Я.Г., Колесников К.С., Левицкий Н.И., Серёгин С.В., Павленко И.Д., Дышко А.Л., Андреев Л.В., Жигалько Ю.П., Лейзерович Г.С., Таранхуна Н.А., Амиро И.Я., Лиходед А.И., Сноудон Ж.С., Ден-Гартог Ж.П., Тимошенко С.П., Avrelmov K.V., Chen R., Lee T.H., Lew R.S., Mallon N.J., Trotsenko Yu.V. и другими. Учеными нашей Республики как Рахматулин Х.А., Азизов А.Г., Уразбаев М.Т., Ширинкулов Т.Ш., Кабулов В.К., Рашидов Т.Р., Мубораков Ё.Н., Мардонов Б.М., Алимухаммедов Ш., Султонов К.С., Маматкулов Ш.М., Мирсаидов М.М., Бадалов Ф.Б., Хожметов Г.Х., Ишанходжаев А.А., Мавлонов Т.М., Абдусаторов А., Сафаров И.И., Худаиназаров Х., Эшматов Х., Юлдашев Ш.С., Тешаев М.Х. и другие провели научный анализ и сравнительный обзор некоторых проблем виброзащиты элементов машин.

В настоящее время существует ряд проблем, связанных с динамикой диссипативных механических систем (диссипативных однородных и неоднородных), решение которых позволяет создавать новые грани колебаний и проблемы защиты от вибраций. Создание надежных методов и алгоритмов позволяет решать многие задачи прочности и устойчивости, возникающие при воздействии динамических нагрузок в машиностроении, авиастроении и наземном транспорте.

